



## ПУЛ КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Хакимова Насиба Абдураимовна*

*Термиз иқтисодий ва  
сервис университети  
2- курс магистранти*

**Аннотация** Ушбу мақолада пул кредит сиёсатининг асосий тамойиллари ёритиб берилган. Инфляция даражасининг мақсадли кўрсаткичлари ва унга эришишнинг назарий ва амалий таҳлили келтириб ўтилган. Марказий банк инфляция таргетига эришишда пул-кредит сиёсати инструментлари ва ёндашувларини мустақил танлаш ҳуқуқига эга. Бунда фоиз ставкаларини бошқариш, очиқ бозор операцияларини амалга ошириш, мажбурий захиралар меъёрларини ўзгартириш ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб бошқа чоралар кўрилиши кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар.** Инфляция, таргетлаш, очиқ бозор, иқтисодий салоҳият, Марказий банк, иқтисодий барқарорлик.

## ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ

*Хакимова Насиба Абдураимовна*

*Термизский экономический и  
сервисный университет  
магистрант 2 курса*

**Аннотация:** В данной статье освещены основные принципы денежно-кредитной политики. Приведены целевые показатели уровня инфляции и теоретический и практический анализ их достижения. Центральный банк имеет право самостоятельно выбирать инструменты и



*подходы денежно-кредитной политики для достижения цели по инфляции. В этом контексте подчеркивается управление процентными ставками, проведение операций на открытом рынке, изменение норм обязательных резервов и принятие других мер в зависимости от экономических условий.*

**Ключевые слова.** *Инфляция, таргетирование, открытый рынок, экономический потенциал, Центральный банк, экономическая стабильность.*

## THE MAIN PRINCIPLES OF THE CASH CREDIT POLICY

**Hakimova Nasiba Abdurahimovna**

*Termiz Economic and*

*Service University*

*2nd year master's student*

**Annotation** *This article discusses the main principles of monetary credit policy. The target indicators of the inflation rate and the theoretical and practical analysis of achieving them are presented. The Central Bank has the right to independently choose monetary policy instruments and approaches to achieve the inflation target. This includes managing interest rates, conducting open market operations, changing reserve requirements, and taking other measures based on economic conditions.*

**Keywords.** *Inflation, targeting, open market, economic potential, central bank, economic stability.*

Пул-кредит сиёсатининг асосий тамойиллари Марказий банк инфляцион таргетлаш режими доирасида иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланади:



**1. Инфляция даражаси бўйича мақсадли кўрсаткич эълон қилинади ва унга эришиш устуворлиги таъминланади.** Иқтисодийнинг салоҳияти, талаб ва таклифдаги ўзгаришлар, макроиқтисодий прогнозлар ва умумқабул қилинган стандартлар асосида аниқланадиган инфляциянинг эришилиши керак бўлган мақбул кўрсаткичи мақсад – таргет этиб белгиланади. Мамлакатимизда инфляциянинг эришилиши лозим бўлган ўрта муддатли мақсадли кўрсаткичи 5 фоиз этиб белгиланди ва таргет даражаси кенг жамоатчиликка (аҳолига, бизнес вакиллари ва молия бозори иштирокчиларига) эълон қилинди. Эндиликда, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган барча саъй-ҳаракатлар, чора-тадбирлар ва пул-кредит соҳасидаги қарорлар инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи – таргетига эришишга қаратилади. Мақсадли кўрсаткичга эришилиши иқтисодий субъектлари томонидан Марказий банк фаолиятини баҳолаш, умуман олганда, олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига бўлган ишонч шаклланишининг асосий мезони ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, макроиқтисодий соҳада қабул қилинаётган барча қарорлар инфляцион мақсадлар билан уйғун ҳолда қабул қилиниши лозим. Марказий банк фаолиятида инфляциянинг таргет кўрсаткичига эришиш вазифаси бошқа вазифалардан устун ҳисобланади.

**2. Марказий банк асосий ставкаси пул-кредит сиёсатини юритишнинг асосий инструменти ҳисобланади.** Асосий ставка пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти бўлиб, инфляциянинг 5 фоизлик таргети доирасида шаклланишини таъминлаш учун зарур бўлган пул-кредит шароитларини белгилаб беради. Бунда Марказий банк асосий ставкаси иқтисодийдаги фоиз ставкалари динамикасига ва бу орқали талабга таъсир кўрсатади. Ялпи талабни мувозанатлаштириш орқали инфляцион таргетга эришилади. Асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича Марказий банк бошқаруви йиғилишлари олдиндан белгиланган график асосида йилда 8 маротаба ўтказилади. Бунда Марказий банк \_\_\_\_\_ томонидан асосий ставка



бўйича қарорларнинг эълон қилиниши билан бир қаторда унинг келгусида кутилатган даражаси (траекторияси) бўйича сигналларнинг берилиши иқтисодий субъектларининг узоқ муддатли инфляциян кутилмалари шаклланишида муҳим ўрин тутди.

**3. Пул-кредит сиёсати операцион механизми мустақил равишда ишлаб чиқилади ва такомиллаштириб борилади.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 151-моддаси билан Ўзбекистон Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мустақиллиги белгиланган. Шу асосида, Марказий банк инфляция таргетига эришишда пул-кредит сиёсати инструментлари ва ёндашувларини мустақил танлаш ҳукукига эга. Бунда фоиз ставкаларини бошқариш, очиқ бозор операцияларини амалга ошириш, мажбурий захиралар меъёрларини ўзгартириш ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб бошқа чоралар кўрилиши мумкин. Олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг операцион механизми асосий ставка ва фоиз коридори асосида ишлайди. Пул-кредит сиёсатининг операцион мақсади пул бозоридаги қисқа муддатли (овернайт) фоиз ставкаларини асосий ставкага яқин даражада шаклланишини таъминлаш ҳисобланади. Марказий банк пул-кредит инструментларидан фаол фойдаланган ҳолда банк тизими умумий ликвидлигини бошқаради ва бу орқали пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

**4. Пул-кредит сиёсатига оид қарорлар кенг қамровли макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларга асосланади.** Марказий банкнинг асосий ставка бўйича қарорлари иқтисодий фаолликка ва ялпи талабга босқичма-босқич, маълум вақт оралиғида кечикиш билан таъсир кўрсатади. Шу сабабли, Марказий банк пул-кредит сиёсати бўйича қарорларни қабул қилишда ҳар томонлама асосланган макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлардан келиб чиқади. Бугунги кунда Марказий банк макроиқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишда, асосан, Чораклик прогнозлаштириш моделидан (QPM) фойдаланмоқда. Бундан ташқари, бир қатор



эконометрик ва таркибий моделлар прогноз натижаларини таққослашда ва тадқиқотларни амалга оширишда ишлатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, асосий ставка бўйича қарорлар маълум даражадаги ноаниқликлар шароитида қабул қилинади. Сабаби, макроиктисодий прогнозлар иқтисодий ривожланишнинг эҳтимолий истиқболлари, жаҳон хомашё ва молия бозорларида кутилаётган ўзгаришлар ва бошқа омиллар асосида шакллантирилади. Шу сабабли ҳам, Марказий банк пул-кредит сиёсати йўналиши бўйича қарорлар қабул қилишда омилларнинг нисбатан барқарор тенденцияларидан ва уларнинг инфляция даражасига таъсирларидан келиб чиқади. Марказий банк мамлакатдаги ва глобал иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва ноаниқликларни инобатга олган ҳолда таҳлилий-прогнозлаш салоҳиятини такомиллаштириб боради.

**5. Марказий банк валюта сиёсатини эркин сузувчи валюта курси режимида амалга оширади.** Эркин сузувчи валюта курси инфляцион таргетлаш доирасида самарали пулкредит сиёсати юритишнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги иштироки нейтраллик тамойилига асосланади. Яъни Марказий банк интервенциялари йил давомида сотиб олинган монетар олтин ҳажми доирасида амалга оширилади ва алмашув курсининг фундаментал трендига таъсир кўрсатмайди. Сўм алмашув курси ички валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф мутаносиблигига нисбатан белгиланади. Марказий банк сўм алмашув курси бўйича ҳеч қандай мақсадни белгиламайди. Бозордаги талаб ва таклиф асосида эркин шаклланувчи алмашув курси ташқи хатарларнинг ички иқтисодиётга ўтишини чекловчи (“shock absorber”) функцияни бажаради ва макроиктисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

**6. Шаффоф коммуникация сиёсати – инфляцион таргетлаш режимидаги пул-кредит сиёсатининг муҳим дастаги.** Инфляцион таргетлаш режимининг асосий элементларидан бири бу



пул-кредит соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг очиқлиги ва бу борадаги шаффофликнинг таъминланиши ҳисобланади. Самарали коммуникация сиёсатининг ишлаб чиқиши ва пул-кредит сиёсати соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг кенг жамоатчиликка ўз вақтида ва тушунарли тилда етказилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Инфляцион таргетлашга ўтиш даврининг бошланиши билан Марказий банк олиб бораётган фаолиятининг очиқлигига катта эътибор бермоқда. Асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича ҳар бир бошқарув йиғилиши якунлари бўйича пресс-релиз эълон қилиниши, Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари иштирокида пресс-брифинглар ташкил этилиши ҳамда “Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари”, “Пул-кредит сиёсати шарҳи” ва бир қатор таҳлилий шарҳлар ва инфографикаларнинг эълон қилиб борилиши шу йўлда қўйилган муҳим қадамлардан ҳисобланади. Марказий банк томонидан инфляциянинг таргети доирасида шаклланишининг таъминланиши ва коммуникацион шаффофликнинг оширилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг Марказий банкка бўлган ишончи ортишига ва амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати чоралари таъсирчанлигининг ошишига хизмат қилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-589-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси нинг Солиқ кодекси ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-599-сон Қонунни. «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги





- Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-618-сон Қонуни. 07.01.2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли Фармони.
  4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. №6 (766)-сон.
  5. Abdullaeva SH.Z. Bank ishi. T.: «Iqtisod-Moliya » nashriyoti, 2017. – 768 b.
  6. Azizov U.O‘ va boshqalar. Bank ishi. T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2016. – 640 b.
  7. Azizov U.O‘ va boshqalar. Bank ishi. T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2016. – 640 b.
  8. Азизов У.Ў. ва бошқалар. Банк иши. Дарслик. - Т.: Иқтисод-молия, 2016. 768 б.
  9. Bobaqulov T.I., Abdullayev U.A. Isakov J.Ya. “Monetar siyosat” Darslik. – “Iqtisod-Moliya”, 2019. 274 b.
  10. Bobaqulov T.I., Abdullayev U.A. Shomurodov R.T . “Monetar siyosat”. O‘quv qo‘llanma. T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. 236- b.
  11. A.A. Omonov, F.K. Xolmamatov. Bank ishi. O‘quv qo‘llanma. – Т.: “Nihol a. print” OK, 2021 y. – 228 bet.